



## МАЬНО ВА ТАРЖИМА МУАММОСИ

*Сафаров Шахриёр,  
СамДЧТИ профессори*

*Калим сўзлар: маъно, референция, концепт, концептуализация, когнитив фаолият.*

Таржима жараён сифатида қаралганда маълум бир тилдаги матнинг мазмунини тушуниш ва уни бошқа бир тилда қайта яратиш фаолияти назарга тутилса, таржиманинг маҳсулот кўринишидаги талқинида эса матнинг бошқа лисоний маданиятда ҳосил қиласидаги акс-садоси, таассурот уйғониш кўлами инобатга олинади. Таржиманинг амалга ошишини таъминловчи асосий омиллар тил, маданият ва тафаккурдир. Шунга нисбатан, таржимашуносликнинг асосий мақсадлари қаторига, биринчидан, иккита бошқа-бошқа лисоний маданият вакиллари аслият ва таржима матнларини қандай тушунишини аниқлаш бўлса, иккинчидан, уларнинг идрок этиш қобилиятига тил-маданият-тафаккур муносабати қандай таъсир ўтказиши мумкинлигини белгилашдир. Худди шунингдек, ушбу учлик муносабати таржимон танлаётган амалий режалар, яъни таржима стратегиясидан қандай ўрин эгаллашини билиш ҳам мухимdir. Табиийки, назариётчиларнинг таржимашуносликнинг санаб ўтилган уч асосий масаласи борасидаги фикрлари бир хил эмас, чунки улар ўз тадқиқотларида турли мақсадларни кўзлаши ва турлича методлардан фойдаланиши мумкин.

Таржима, аслини олганда, мазмунни ўгиришдан иборат ва мазмун-маънонинг ҳар хил талқини таржима назариясидаги номутаносибликка сабаб туғдиради. Семантик назарияларнинг ҳар хил бўлиши ягона бир обьект - маъно ҳодисаси тадқиқида турли ёндашувлар танланишига туртки бермоқда. Тадқиқчиларнинг бир гурухи маъно ҳодисасининг моҳиятини белгилаш учун ушбу ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари ва тил бирликларининг

семантик муносабатларини атрофлича таҳлил қилиш йўлидан бораётган бўлса, иккинчи гурухдагилари эса, маънонинг “субстанцияси”, “зоти”ни қидириш билан бандлар. Ниҳоят, учинчи гурухдагилари маъно қандай усуlda инсонларга воқелик ҳақида ахборот етказиш имкониятини яратишини аниқлаш измидадир.

Таржимашунослар, кўпгина семасиологлар каби, “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини ҳеч қандай фарқламасдан кўллашга одатланган. Бинобарин, А. Нойберт, Г.Шрев, М.Ларсон кабилар инглиз тилидаги *meaning* атамасидан турли ҳолатларда “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини ифодалаш учун бир хилда фойдаланиб келмоқдалар (Neubert and Shreve 1992; Larson 1998: 59). Ўн тўққизинчи асарнинг охирларида немис файласуфи Gotlob Frege Über Sinn und Bedeutung мақоласини эълон қилиб, маъно ва мазмун ҳодисаларини фарқлаш онтологик асосга эга эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилганини унутмаслигимиз лозим [Frege 1892:25-50]. Ушбу ҳаракат ҳозиргача давом этиб келмоқда. Лекин бу масалада ҳам тадқиқчилар ўртасида яқдиллик сезилмайди, ҳатто эслатилган ҳодисаларга нисбатан қўлланилаётган терминлар борасида ҳам чалкашликлар кўп. Жумладан, рус тилшунослари “значение”, “смысль”, “содержание” терминлари билан бир қаторда, “формальное значение” ва “контекстуальное (актуализированное) значение” тушунчаларини қарама-қарши қўйиши ёқтирадилар. Инглиззабон адабиётларда эса *meaning* термини кенг маънода қўлланиб, *sense*нинг қўлланиш доираси чегараланган. Канадалик олим Ж. Делиль тилнинг мавхум тизимида мавжуд



бўлган сўз маъносининг бир нуткий тузилмада намоён бўладиган маъносига нисбатан meaning термини маъкул келишини ва таржимон айнан meaning билан иш тутишини уқтирмоқчи бўлган эди [Delisle 1988: 42-43].

Келинг, “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини фарқлаш йўлидан борайлик-да, таржимон вазифаси мазмунни ўтиришдан иборат эканлиги ҳақидаги қайдга рози бўлайлик. Унда мазмун қандай шаклланиши ва қай йўсинда қабул қилиниши борасидаги саволларга жавоб излашга мажбурмиз. Биринчилардан бўлиб тугиладиган саволлардан бири “маъно” ва “мазмун” ўртасидаги муносабат, уларнинг қай даражада боғлиқлиги ҳақидадир. Ушбу саволга берилаётган жавоблар турлича. В.Н. Комиссаров, М.Ларсон ва бошқаларнинг фикрича, маъно воқеликни умумлаштирилган холда акс эттирувчи тушунчани ифодалайди [Комиссаров 1999:30; Larson 1998:59-60]. “Лисоний белги, - деб ёзди В.Н. Комиссаров, - лисоний жамоанинг барча аъзолари учун умумий бўлган ягона доимий маънога эга, лекин уларнинг тил билиш ва ундан фойдаланиш қобилияти хар хил ҳамда алоҳида белгиларни бошқа-бошқа тасаввур ва ассоциациялар билан боғлашлари мумкин” [Комиссаров 1999:29-30]. Хаёлимда, машхур таржимашуноснинг айтиётгандари немис мумтоз фалсафаси вакиллари томонидан аллақачон қайд этилгандек. Э.Гуссерль нуқтаи назарида ҳар бир маъно, бир томондан, сўзловчи фикрини ифодаловчи белги бўлса, иккинчи томондан, маълум бир нарса ҳақида маълумот беради, яъни у факат маънога эга бўлиб қолмасдан, балки бирор бир предметга ишора қиласди. Лекин предмет ва маъно ҳеч қачон мос келмайди. Зоро, турли иборалар турли предметларга ишора қиласлар-да, лекин бир хил маъно ифодалашлари мумкин. Шу сабаб, Гуссерлнинг фикрича, лисоний шакл ва маъно ўртасидаги боғлиқлик табиатан ёки аниқ бўлмасдан, балки интенционалдир [Гуссерль 2000].

Агарда интенционалликни онгда бажариладиган ҳаракат тариқасида тушунадиган бўлсак, унда маъно ва предмет ўтрасидаги боғлиқликни нарса-ходисалар идроки жараёнида яраладиган мазмунга туртки сифатида қарамоғимиз даркор. Аслини олганда, маънонинг воқеликдаги предмет ёки предметлик нисбати берилаётган бошқа нарса-ходисалар билан боғлиқ жиҳатларини ҳозирча ҳеч ким инкор этганича йўқ. Аммо бу боғлиқликни бири-иккинчисини такрорловчи ҳодисалар тасаввурида талқин қилиш жоиз эмас.

Бундай тасаввурга йўл қўйиш эса тил табиатини нотўғри тасвирилаш, унга фактат ва фактат восита, қурол мақомини беришга олиб келади. Бундай ёндашув хавфидан эҳтиёт бўлишни В.Хумбольдт айтиб кетган эди: “Сўз ҳақиқатан ҳам белгидир, лекин ушбу белгилик унинг нарса-ходиса ёки тушунча ўрнида кўлланишигача давом этади. Бироқ сўз ўз тузилиши ва фаоллашувига нисбатан алоҳида ва мустакил ҳодисадир... . Сўз ўзлигини, худди саънат асари каби, алоҳида хусусиятга эга ҳодиса сифатида намоён қиласди” [Гумбольдт 1984:304-306].

Немис олимни нутқда, матнда фаоллашаётган сўзни бекорга саънат асарига ўхшатмаган бўлса керак. Коммуникация, айниқса унинг бадий кўринишидагиси, нафақат онг доирасида, балки онг ости ҳаракатлари, бевосита кузатувдан яширин тафаккур фаолияти қамровида кечади. Шу йўсинда бадий асарда воқеликнинг тасвирида объектив мазмун йўқолмайди, балки янги кўриниш, моҳиятда намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, семантик ноаниқликка барҳам бериб, лисоний воситанинг кўпмаънолиги фаоллашувига ҳамда охир-оқибатда идрок этилаётган оламнинг кўпқирралиги тасвирига имкон яратади. Рус шоири Осип Мандельштам изоҳлаганидек, “хар бир сўз ўзига хос дастадир ва мазмун ундан турли томонга тарқалишга тайёр туради” [Мандельштам 1990,т.2:223]. Сўздаги маънолар бойлигини “сочиб юбориш”, улар воситасида туйғуларни жилолантириш



ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Ўзбек шоири Фахриёрнинг “Кўймоқ бўлди менинг насибам, баҳтиёрлик – сенинг қисматинг” сатрларини таҳлил қилган адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев шоирнинг маҳоратини унинг сўзлар ташийдиган одатий маъноларни тубдан ўзгартириб юбориб, уларга тамомила янги маъно ва сезимлар юклай олишида кўради. “Насиба” луғатда ижобий маънога эга ва одатда насибадор одамнинг мамнунлигини ифода этади. Шеърда эса шоир бу сўзга салбий маъно оттенкасини юклаб, куйиш (бу сўз ҳам кўчма маънода кўлланимокда) ҳолати билан боғламоқда. “Қисмат” сўзи замираиди эса, табиий равишда, чорасизлик, маҳкумлик маънолари ётади. Юқоридаги сатрларда қисмат баҳтиёрлик билан боғланиб, ифодага ўзгача рангинлик беради [Қозоқбой Йўлдош 2014:35].

Хуллас, лисоннинг борлиғи маъно ва мазмундан иборат ҳамда бу борлик тилга пропозицион (семантик), прагматик ёки вазифавий нуқтаи назардан ёндашишингиздан қаъти назар, бир хилда сақланиб қолаверади. Маъно ва мазмун ахборот яратишнинг марказий жипслаштирувчи омилидир. Шу боис, биздан маъно ҳосил бўлишининг табиий механизмларини аниқлашимиз талаб қилинади. Аммо бу осон иш эмас, ушбу мақсадни кўзлаётган тадқиқотчи олдиндан мавжуд билим доираси билан чегараланиб қола олмайди ва бирор ҳодисанинг қисмларига оид хулоса, назарий моделларни бошқа ҳодисалар таҳлилига татбиқ этиш ҳам кутилган натижани бермаслиги мумкин. Факат инновацион ёндашув, истиқболли мўлжал орқали анъанавий муаммоларга янгича ёндашиш, лозим бўлса, уларга “хужум қилиш” мумкин бўлади. Маъно лисоний ахборотнинг марказий бирлиги эканлиги рост, лекин унинг табиий равишда кўриниш беришини тавсифлаш ўта мушкул. Когнитив грамматика асосчиларидан бўлган Р.Лангакер эслатганидек, “табиийлик” тушунчаси мавхум ва баъзан қулоққа мужмалроқ чалинади [Langacher 1987:12]. Шу сабаб бўлса керакки, ҳозир кўпчилик шиор

қилиб юрган “назариянинг табиийлиги” ғояси ҳаммага ҳам тушунарли эмас. Балким, бирон бир лингвистик талқин ўрганилаётган объектнинг моҳиятини тўлиқ ёритса, унинг барча лисоний хусусиятларини қамраб олса, унда табиийлик хислати ҳакида гапириш мумкиндири. Лекин бундай бўлишига гумоним ҳам йўқ эмас. “Лисоний белги референцияга эга бўлишдан ташқари, мазмун ҳам ифодалайди”, деб ёзган Г. Фреге [Frege 1952: 211], маъно (meaning; Bedeutung) худди шу қисмлардан (референт ва мазмундан) иборат эканлигини исботлашга кўп уринган эди. Бундай талқинга ишониш, фикримча, чалкашлик ва мавхумликдан узоқлаштиромайди. Ахир референтни (баъзан маънони ҳам) воқеликдаги обьектлар билан боғлаб, мазмунни барча тил соҳиблари учун тушунарли деб қараб, факат ғоя (фикр)ни тилдан фойдаланувчининг онгидаги кечадиган ассоциатив харакатлар натижаси сифатида қабул қиласиган бўлсан, маънони реал олам ихтиёрига бериб қўйиб, унинг такорри, кўзгудаги акси кўринишида эътироф этишга ўзимизни мажбурламаймизми?!

Г.Фреге ва унинг издошлари тасаввурида воқеликни идрок этиш жараёнида ҳосил бўладиган ментал тузилмалар ўша воқелик доираси билан чегараланади. Энг қизиги, бу фикрни баъзи психологлар ҳам маъқул топмокда. Бинобарин, тафаккур мантиқи воқелик мантиқидан, яъни обьектив тузилиш ва тартиботдан чекинмаслиги лозимлигини уқтироқчи бўлган рус психологи С.Л.Рубенштейн шулардан бири эди [қаранг: Рубенштейн 1976]. Айни пайтда фаранг психологи Ж. Пиаже ҳақиқат фикрнинг воқеликка мос келиши билан эмас, балки онгларнинг ўзаро муносабати, “битимга келиши” натижасида пайдо бўлишини кайд этганини унутмаймиз [Пиаже 1994]. Шу муносабат билан фаранг олимининг Н.Чомскийнинг когнитив структуралар туғма эканлиги ҳақидаги тезисига кескин қарши чиққанини эслатмоқчиман. Бу икки азим



психолингвистларнинг юзма-юз учрашуви пайтида Ж.Пиаже қўйидагиларни қайд этган эди: “Туғма ёки тажрибада кўрилмаган когнитив структуралар мавжуд эмас, ирсийлик фақат интелектнинг фаолиятига хосдир ва ушбу фаолият объектларга нисбатан бажарилаётган ҳаракатларни ташкиллаштириш орқали структураларни ҳосил қиласи” [Пиаже 1983:90].

Ж.Пиаженинг тилни ва унинг энг асосий вазифаларидан бўлган маъно ифодаланишини ўзлаштириш жорий ривожланиш хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги таълимотини инкор этиш йўлидан борган Ж. Фодор бизни “Тафаккур тили” туғма эканлигига, у бизга туғилганимиз заҳотиёқ маълум эканлигига ва уни ўрганишга эҳтиёж йўқлигига ишонтирмоқчи [Fodor 1976:65]. Баъзан Ж.Фодор бунга эришаётгандек ҳам туюлади, чунки унинг биз оддийгина тафаккур юритмасдан, балки бирон бир нарса-ходиса ҳақида ўйлашимиз, шунингдек, концепт мавжудлиги онг ва воқелик ўтрасидаги маълум бир муносабатдан хабар бериши ҳақидаги фикрлари ҳақиқатга жуда яқин эштилади. Лекин олимнинг шахс оламга келиши заҳотиёқ унинг онгидаги мавжуд бўладиган концептлар воқеликдаги нарсалар билан қандайдир “туғма механизмлар” воситасида боғланиши ҳамда бунинг оқибатида инсон уларни борлигича, яъни мавжуд ҳолатида қабул қилиши борасида айтганларини [қаранг: Fodor 1998:142] шахсан мен “хазм қилишга” жуда қийналаман.

Агар инсонлар маълум концептлар ҳамроҳлигига туғиладиган бўлса, унда маданиятларро мулоқот ва унинг кўринишларидан бўлган таржима ҳеч қандай қийинчиликсиз кечган бўлар эди. Хайриятки, бундай эмас (балким, бунга афсусланиш керакдир). У ҳолда маданиятлар, тиллар ўз жозибаси, миллийлигини йўқотиб, бир пайтлар коммунистлар орзу қилишган “оммавий маданият” foяси амалга ошган бўлар эди. Ж. Фодор айтган “Уй”, “Овқат”, “Дараҳт”, “Учбурчак” каби концептлар

“оммавийлик” (public), универсаллик хусусиятига эга, албатта [Fodor 1998:29], чунки овқат ҳамманинг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлса, дараҳт ўスマйдиган ҳудуд йўқ ҳисоби ва ҳоказо. Шунинг билан биргаликда ушбу концептларнинг турли маданиятлар, турли шахслар томонидан бир хилда идрок этилишини тасаввур қилиш қийинроқ кўринади. Масалан, house (инг), haus (нем), maison (фран.), casa (итал.), fangzi (хит.), dar (араб.), уй (ўзб.) сўзларининг пропозицияси бир хил, яъни “инсон яшайдиган бино” маъносини англатса-да, лекин уларнинг прототипи ва айниқса, коннотатив маъноси турлича. Инглиз тилидаги that's my house ва that's my home ибораларини бир хил мазмунда қўллаб бўлмайди, чунки home сўзи эса, бундай коннотациядан холи. Шу сабаб, инглиз ишдан ҳоригандан сўнг I am going home дейди, (бундай илиқлиқ, эгалик хиссиёт ифодаланишида house сўзига мурожаат қилиш ножоиз), итальянлар эса casa сўзининг ишлатилишига бефарқ – torno a casa. Ўзбек тилидаги “уй” сўзининг пропозиция ва экспрессив маънолари бир текис фаоллашиши кузатилади: “Янги уй курдим”; “Ўз уйинг – ўлан тўшагинг”. Худди шунингдек, араб тилидаги dar ва manzil сўзлари яшайдиган жойни англатиш билан бир қаторда, “оила” ва “қабила” маъноларига ҳам ишора қилса, bayt сўзида эса тунаш, ётоқ жойи алоҳида таъкидланади.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, сўз ва маъно ўртасидаги муносабат мураккаб. Маъно ходисасининг ўзи ундан ҳам мураккаб. Ҳатто ҳозиргина фарқлашга ҳаракат қилганимиз – пропозиция (референт) маънони прототип, эмоционал каби бошқа турларидан ажратишнинг ўзи ҳам мушкул вазифа, ушбу категориялар ўртасидаги чегара ноаниқ. Демак, бирон бир сўзнинг маъносини аниқлаб, кейин шу маъноли сўзни бошқа тилда излаш таржима фаолиятнинг вазифаси эмас. Луғатшунослар учун одатий бўлган бу фаолият таржимашуносни асло қониқтирумайди. Ҳатто пропозиция



маъноси сақланиши шарт бўлган ҳолатда ҳам таржимон аслиятга мос келадиган вариантлардан энг муқобилини танлашга мажбур. Инглиз тилида “уй”, маъносидаги бирликлар қаторига cottage сўзи ҳам киради. Ўз синонимлари бўлган home ва house ўрнида қўлланмайдиган cottage лексемасини ўзбек тилига қандай таржима қилдиш мумкин? Луғатдан фойдаланадиган бўлсак, топадиган изохимиз: 1) коттеж; шаҳардан ташқаридаги уй; 2) амер. ёзги дала уй [Butaev 2013:201]. Таржима жараёнида cottage сўзининг турли матнларда қўлланишини “шаҳардан ташқаридаги уй” ёки “ёзги дала уй” мазмунида изоҳлаш қанчалик сунъий эштилишини тасаввур қилиб кўринг. Луғатда берилаётган “коттеж” таржимаси (аникрофи - транслетрацияси) хозирги ўзбек тилида маъноси ўзгарган ўзлашмалардандир (хозир қурилаётган коттежларни инглиз тилидаги “small house in the country” ибораси билан изоҳлаб бўлмайди).

Файласуфлар ва баъзи бир бошқа назариётчилар сўз маъносининг объектив воқеликка муносабати ҳақида гап кетганда асосан атоқли отларни назарда тутадилар. Дастребки назарда, атоқли отлар (уларни ифодаловчи лисоний белгилар) ҳақиқатан мавжуд ва ягона бўлган референтни атаётгандек ҳамда сўз маъноси ва референт ўртасидаги муносабат бевоситадек кўринади. Атоқли отнинг референти ҳақиқатан ҳам ягонамикан ва унинг референти билан маъносининг муносабати ҳеч қачон ўзгармасмикан ёки ушбу муносабат тизими шунчалик ёпиқмикан? Менимча, унчалик бўлмаса керак, мабодо шундай бўлишини тасаввур қиласидиган бўлсак, унда атоқли от қандайдир тил тизимидан ташқаридаги, ундан устун турадиган ҳодиса эканлигини эътироф этмоқ лозим. Афсуски, бирон бир лисоний структуранинг бу хилдаги поёни етган тугалликка, қандайдир иҳоталанган ўзликка эга бўлиши ва шу йўсинда унинг маъноси тўлиқ кафолатланишини кузатиш қийин. Машхур афсонадаги “Бобил” (Babel) атоқли отнинг тарихи ва маъно ифодалаш қўламини эслайлик. Селит

қабиласидагилар осмонўпар минора қуриш билан буюкликка эришиш ва ўзларидан ном қолдириш ниятида бўлганлар. Аммо Яратганнинг аралашуви ҳамма нарсани ўзгартириб юборади: ундан минорага ном бериш сўралганда “Babel” сўзининг талаффуз қилиниши, биринчидан, тилларнинг бўлинниб кетишига сабаб туғдириш бўлса, иккинчидан, “хижолат бўлиш”, “тартибсизлик” концептларини воқелантиради (чунки қадимги иврит тилида *babel* сўзининг маъноси худди шу маънога эга).

Атоқли отнинг бадиий матнда турдошга айланиши тез-тез учраб туради ва бунда ономастик бирлик тасвирийлик ҳамда образлиликни яратиш воситаси хизматини ўтайди [Худойберганова, Анданиязова 2016:125]. Киёсланг: Талай кизни кўрдим Кобул, Хиротда, Чодир ичра зулматда, тул сиротда, Сен учасан куш канотли Фиротда, Олмос пода кадри ошар Хиротда, Корачифинг чақинсимон, Моҳигул (F.Фулом). Ушбу шеърда шоир самолётни Гўрўғлининг оти –Фиротга нисбат бериб таърифламоқда.

Равшанки, атоқли отлар ҳам тил тизимидан ташқариди, ундан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди, маънодан умидвор ҳар қандай бирлик лисон худудида бошқа бирликлар билан муносабатда фаолият кўрсатиши зарур ва бу муносабат тил элементлари ўртасидаги фарқни ошкора қиласи. Ҳаммага таниш “Умумий тилшунослик курси”да қуидагиларни ўқиймиз: “Тил бирликларининг концептуал ва моддий қиймати фактат ва фактат бошқа элементлар билан муносабати ва фарқида намоён бўлади... демак, тилда фактат фарқланишлар мавжуд. Боз устига фарқлар, умуман олганда, ижобий ҳолатларни тақозо этади, лекин тилда фактат ижобий натижага олиб келмайдиган ҳолатлар кузатилади. Хоҳланг ифодаланишини, хоҳланг ифодаловчини олинг, аҳвол бир хил: тилда системадан олдин турадиган ғоя (тушунча – Ш.С) ёки товушлар йўқ, балки тизимда пайдо бўладиган концептуал ва фонетик фарқлар мавжуд. Лисоний белгининг фонетик



материалы ва ундағы ғоянинг аҳамияти унинг қуршовидагиларнидан камрок” [Соссюр 2004:117;119].

Тил бирликлари, концептларнинг маълум бир занжир, тизим орқали бирбirlари билан боғланиши ҳақиқат, лекин бу боғланишнинг асосида улар ўртасидаги фарқларнинг узлуксиз “ўйини” ёки ҳаракати ётиши исботга талабгор. Агарда тилда фақат изжобий ҳолатда бўлмаган фарқлар мавжуд бўлса, унда лисоний белги тил тизимидағи фарқловчи белгиларга ишора қилиш билан чегараланиб қолади, холос. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, Мона Бейкер, сўзлар таржимаси муаммоси ҳақида гапираётib, “семантик майдон” ва “лугавий тўпламлар”га мурожаат қилишни маъкуллайди, чунки улар даставвал “сўзнинг маълум тизимдаги қийматини ҳис этишга имкон беради” [Baker 1992:19]. “Аслият ва таржима тилидаги семантик майдонлардаги фарқни англаш таржимонга маълум бир бирликнинг лугавий тўпламдаги қийматини аниқлашга шароит яратади. Агарда лугавий тўпламдаги бирликларнинг қайсилари фойдаланишга яроқли эканлигини билсангиз ҳамда уларни бошқалари билан қиёсласангиз, унда ёзувчи ёки сўзловчи танловини баҳолай оласиз” (*ibid.*:19)!

Бейкер хонимнинг ушбу қайдини изоҳлаш учун “харорат” концептини ифодаловчи бирликларга мурожаат қиласиз: инглиз тилида cold, cool, hot, warm ушбу концептнинг тўрт асосий бирлигини ташкил қилади; ўзбек тилидаги тақсимот ҳам шу хилдаги кўринишга эга: совуқ, салқин, иссиқ, илиқ. Араб тилида эса бошқача фарқлар таснифлаш меъёрини белгилайди: баарид бирлиги бир хилда совуқ ва салқин ҳавони атаса, хаар ҳавонинг иссиқлигини, саахин сўзи эса бирор бир предметнинг иссиқлигига ишора қилади, нихоят, илиқ ҳаво назарда тутилганда даафи калимаси кўлланилади.

Келтирилган мисоллар гувоҳлик беришича, таржима концептларнинг икки тилдаги фарқловчи кўрсаткичлари билан чекланмасдан, балки турли тилларнинг фарқловчи белгилари тизимини эътиборга

олиши талаб қиласи. Фақат биргина тил тизимидан хабардор шахс “совуқлик”нинг моҳияти тилдан ташқари бўлишига ва унинг умумбашарийлигига ишониб қолиши ҳеч гап эмас. Таржима жараёни кишини бу кўринишдаги мавжудлик ғоясидан дарҳол воз кечишга ундейди. Farb таржимашунослик мактабининг яловбардори ҳисобланган Южин Найда бундан ярим аср олдин таржима энг аввало “ахборотни қайта яратиш” мақсадини кўзлашини, бошқа бирон бир ишни бажариш таржимон учун ёт, “тамоман соҳта вазифа” эканлигини қайд этган эди [Naida and Taber 1969:12]. Бас шундай экан, референт маъно атрофида ўралашиб қолишдан қочиш таржимонлар эшитадиган дастлабки ўйтидир. Алоҳида олинган сўзнинг объектив (референт) маъноси тўғридан-тўғри ахборот ташувчи восита вазифасини ўттай олмайди. Сўзнинг матн мазмуни шаклланишидаги роли оддий кўринишга эга эмас, унинг маънолар тўпланишидаги ҳиссасини билиш учун алоҳида семантик гурухлар бирликларнинг ўзаро боғловчи тугунларини ҳамда матн таркибида пропозицияларнинг мослашувини таъминлашдаги иштирокини ҳис этиш талаб қилинади. Худди шу муносабатлар, боғланишлар матн шаклланишининг, унинг аслият ёки таржима тилида бўлишидан қаъти назар, ҳаракатчан механизмларини ташкил қиласи. Сўз маъноси матн тузилишидан, унинг умумий пропозициясидан ажралиб қолган тақдирда унинг иштироки самарасиз бўлиб қолади. Ҳолбуки, таржиманинг самарали бўлиши учун аслиядаги ахборотнинг тушунарли бўлиши ёки уни таржимон-ўқувчи тушуниб олишининг ўзи етарли эмас, ушбу ахборот жўяли, таъсир кўрсатадиган даражада бўлиши (мулоқотнинг экспрессивлик жиҳати) ва ҳаракатга ундейдиган даражада (императив вазифани бажариши) бўлиши лозим. Шу боис таржимонлар баъзан объектив маънодан воз кечиб, экспрессивликка кўпроқ эътибор қаратадилар. Маълумки, ҳазил-мутойиба тақлидидаги битиладиган лимериклар жанридаги шеърий матнларда



асосий эътибор шаклга (каторлар ҳажми ва рифма, синтактик-семантик тузилишига) ҳамда образларга қаратилади. Ушбу формал кўрсаткичларнинг сақланиши лимериклар таржимасининг асосий шартига айланган. Шакл илк ўринга чиққанида эса объектив маънонинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига аҳамият берилмайди. Мисол тариқасида ирланд шоири Эдвард Лининг қуидаги сатрларини келтирмоқчиман:

There was Old man of Jamaica,  
Who suddenly married a Quaker;  
But cried out, “Alack!  
I have married a black!”

Which distressed that Old Man of Jamaica.

(“Ямайкалик бир чол яшар эди ва у тасодифан фирибгар хотинга уйланди. Лекин у “Эх, қоравойга эрга тегибман”, деб оҳ солди. Бу ямайкалик чолнинг асабига тегди”).

Энди ушбу матннинг русча таржимасини ўқийлик [Холина 2011:71]:

Жил один старичок из Нигера...  
Ему в жены попалось мегера  
Целый день она ныла:  
“Ты черный, чем чернила”,  
Изводя старика из Нигера.

Объектив маънонинг накадар силжишларга учраганини кўринг. Рус таржимони Г.Кружков аслиятдаги Quaker “квакерта” сўзини алмаштиришининг сабаби бу сўз инглиз тилидаги quaker каби бир неча маънога эга ва рус ўқувчиси “ўрдак мисол қақиллайдиган” ёки “фирибгар”дан кўра “мегера”, яъни “захар хотин, кумрон”ни тезроқ, осонроқ қабул қиласди. Оқибатда, “мегера”га қофиядош бўлсин учун “Ямайка” топоними ўрнига “Нигера” кўлланмоқда. Бу объектив маъно йўқолса-да (йўқоладимикан?!), лекин функционал эквивалентлик ҳосил бўлишининг ёрқин мисолидир.

Семантиказа оид муаммолар таржимонларнинг доимий “бош оғриғи” бўлиб келганлиги аниқ. “Семантика тилшунослар ёриб ўтишга қийналишаётган охирги ҳимоя қўрғонидир, зотан маънонинг структураси ўта қайсар” [Nida 1974:405]. Ю.Найданинг бу икрори

қанчалик нолишли эшитилмасин, аммо биз ушбу “ҳимоя қўрғони”ни тўпга тутишга мажбурмиз. Замбаракнинг ўки зоя кетмаслиги учун, мўлжални аниқ олишдан ташқари, танланган аслаҳа ҳам мўлжалдаги объектга мос келиши керак. Бизнинг мўлжалимиз эса ўта мураккаб объектга йўналтирилган: лисоний бирликларнинг кўлланишидаги мураккабликлар уларнинг турли маънолар ифодалашида, турли бирималар ҳосил қилишида ҳамда коннотатив буёқка эга бўлишида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ҳар бир сўз ёки ибора маъносининг марказий қисмидан ўрин олиши билан биргаликда, мазмун ифодасида етакчилик қилиши мумкин. Жумладан, “илон” сўзи барча тиллар заҳирасида мавжуд бўлса керак, лекин турли лисоний маданиятларда унинг идроки бир хилда кечмайди: инглизлар тасаввурида илон секин ҳаракат қиласиган жонивор, Францияда илон - нозиклик, хипчалик рамзи, Германияда у - шилимшиқ мавжудот, ўзбеклар наздида илон – маккор, заҳарли. Айни шу хусусият гап, матн каби бирликларда ҳам мавжуд: гап маъносининг мураккаблиги унинг занжирсимон боғлиқликлар ўрамида бўлишида кўринса, матн эса тагмаънолар қатламлари жисплашувидан иборатдир. Тўғри, баъзан тилшунослар тавсиф ва таснифнинг кўргазмали бўлиши мақсадини кўзлаётib, ўрганилаётган ҳодисаларни соддалаштириш ўйлидан борадилар ва моҳиятни оддий баён қилиш ҳаракатини кўрадилар. Аммо таржимонлар кундалик фаолиятларида бу йўлдан бориш хавфли, улар таржимага тортилаётган бирликларни катта миқёсдаги боғлиқлар тўқимасидан ажратиб олиб, қандайдир бир идеаллаштирилган ҳолатда талқин қила олмайдилар. Маъно тузилиши ва муносабатларининг бу қадар муракқаблиги оқибатида таржиманинг қандайдир когнитив стандартларини топиш қийинлашади. Тўғри, айрим ҳолатларда, жумладан, фразеологизмларнинг тиллараро мукобиллигида, стандарт ҳаракатларни бажариш мумкинdir, бироқ тамоман мукобил фразеологизмларни топиш ҳам осон эмас. Бинобарин, инглиз



тилидаги *golden deeds* иборасини ўзбек тилига “олтин хатти-ҳаракат” кўринишида ўгира олмаганимиздек, *golden opportunity* биримасини “олтин имконият” мазмунида таржима қилишдан қочамиз (биринчи иборадаги *golden* сўзининг муқобили “олижаноб, мардонавор” бўлса, иккинчиси “ажойиб” маъносини бермоқда).

Маъно шу қадар нотўғри, товланувчан ҳодисамикан?! У ҳолда луғатшунослар нима билан ва қандай иш кўрар эканлар? Асосийси, инсонлар бир-бirlарини қандай тушунар эканлар-у, таржимонларнинг таянчи нимада экан? Бу қабилдаги саволлар кетма-кет туғилаверади. Чексизлик математика фани учун қанчалик мавхум мезон бўлса, тилшунослик ва таржимашунослик учун шу қадар ноаниқ изоҳдир. Ноаниқликдан қочиш назариётчи ва амалиётчи учун бир хилда муҳим.

Бир неча йил олдин америкалик икки семасиолог ўртасида кечган баҳсни эслайлик. Р.Жакендофф *NP kept the money* “*NP* пулни сақлади” ва *NP kept the crowd happy* “*NP* ҳалойиқни шод (хурсанд) сақлади (ушлаб турди)” гапларини қиёслатиб, *keep* “сақламоқ” феъли иккала ҳолатда турлича маъно ифодалашини қайд этди [Jackendoff 1996:37]. Ж.Фодорнинг фикрича, бу ҳолатларда *keep* феълининг маъноси ўзгармас экан, чунки у бир хил муносабатни ифодалаётган эмиш, факат бу муносабат биринчисида *NP* ва пул ўртасида бўлса, иккинчисида *NP* ва ҳалойиқнинг шодлиги оралиғида кечмоқда [Fodor 1998:53].

Маълумки, Жерри Фодор маънонинг “жиддий назарияси”ни яратишини ихтиёр қилган олимлардандир. Унинг назарияси менталистик мундарижага эга бўлиб, у маънони оддий тузилма сифатида қарашдан қочади ва ментал тасаввурлар (mental representation) атроф-муҳитга бирон бир нарсанинг таъсиридан иборат деб хисоблайди. “Тафаккур тили” (*language of thought*) ёки ментал тасаввурнинг интенционалиги рост, у албатта бирор нарса ҳақида ахборот беради, лекин бу семантиканинг

табиийликка йўйишга олиб келмаслиги керак.

Тафаккур тили асосий концептуал бирликлар бўлган лисоний тушунчалар билан бир қаторда, воқелик идроки жараёнида шаклланадиган ва кўпинча субъектив характерда бўлган нолисоний тушунчаларни ҳам қамраб олади. Инсон тафаккури лисоний жамоага тегишли бўлган рамзлар ва субъектларнинг мулки бўлган образ (тимсол)лар учрашувини тақозо этадиган динамик жараёндир. Шундай экан, лисоний концептларнинг новербал образлар билан муносабатига ҳам қўнимсизлик хос, уларнинг бири иккинчисига кўчиб туради. Бундай “кўнимсизлик” алоҳида тил бирлигининг турли кўринишидаги концептлар билан муносабатда бўлишига сабаб туғдиради. Рональд Лангакер сўз “чексиз миқдордаги концептлар тўплами билан боғланиш хусусиятига эга”, деган тезисни олға суради [Langacker 1999:6]. Ушбу тезисни эътироф этмасликнинг иложи йўқ ва бунинг исботини маъно товланишлари мисолида кўриш мумкин. Қиёсланг:

Куйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,

Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорга.

Алишер Навоий ҳазратлари битган ушбу сатрлар ягона бир лисоний бирликларнинг турли тушунча ва концептлар билан боғланиши самарасида янгидан-янги маъно касб этишига ёрқин мисолдир. “Бемор” сўзи биринчи қаторда “ишиқ ахли”ни англатмоқда ва худди шу тушунча билан боғланаётган “зор”, ишқ дардига гирифтор бўлганларга ўз дардини айтиб зорланиш ҳаракатини ифода этмоқда. Кейинги кўлланишдаги “бемор”, ўз навбатида, “хаста”, “касал”, “заиф” маъносига эга ва унинг билан боғланишда бўлган “зор” эндиликда (-га қўшимчаси билан ҳамроҳликда) “бечора”, “ишиқ дардидан хўрланган кимса” маъносини олмоқда. Тилнинг “тилла сандигидаги дуру гавҳарларни қўлга олиб салмоғини ўлчаб, ҳар бирининг пешонасидан ўпид қўйишга” унdagан ҳалқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу изоҳларини [Воҳидов



2014:134-135; Қиёсланг: Нурмонов 2014] ўқиётиб, дунё маъношуносларини ўзбек тилини ўрганишга чақиргинг келади. Шундай бўлганида, ўзини маъношуносликнинг “миттивойларини елкасида олиб юришга қодир девкор арбоби” деб хисоблайдиган Ж.Лакофф кабиларнинг инглиз тилидан бошқа барча тиллардан воз кечиши мумкинлиги ҳақидаги ғоясининг нақадар фосиқ, асосиззилигини намойиш қилиш осон кечар эди. Бу чала файласуф-тилшуноснинг “Исус Христос инглиз тилида сўзлаган” деган даъвоси, худди ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида “семантик учбурчак” чизмасининг муаллифлари Огден ва Ричардс ўта чегараланган ҳажмдаги луғавий-грамматик минимум намунаси бўлган *Bacis Englishni* интеллектуал мулоқот учун етарли манба сифатида истеъмолга тиқиширишларидек, хомҳаёлдан бошқа нарса эмас.

Дарвоқе, сўзнинг турли тушунчалар билан боғланишида маъно ифодалаш хусусияти ҳақида ўрта аср олимлари ҳам ижобий фикрлар билдириб ўтганлар: “Концепт,—деб ёзади Б.Грасиан,—онгда турли предметлар (ғоялар, тушунчалар ва ҳоказо) ўртасидаги алоқа ҳақида тасаввур пайдо бўлиши ва ушбу алоқани тимсол, сўз ёки ҳаракат воситасида ифодалаш имконияти туғилишида шаклланади” [Европейская поэтика 2010:231]. Шунга яқинроқ фикрни машҳур физик В.Гейнзенбергнинг қайдидан ҳам ўқиб олишимиз мумкин: “Талаффуз қилинган ҳар қандай сўз нафақат маълум бир тушунчани, балки ушбу сўзнинг маъноси сифатида қарашиб мумкин бўлган батамом онгли тафаккур ҳаракатини туғдиради. Натижада, бир сўз онгнинг ботинида қатор маъно бўёклари ва баъзан сезиш қийин бўлган ассоциацияларни ҳос қиласи” [қаранг: Сухачёв 2007: 14-15].

Инчунин, узок даврлар таъқида турган ҳудуд-лисоний онгнинг тадқиқ обьектига айланиши когнитив тилшуносликнинг (айниқса когнитив семантика соҳасининг) ривожига салмоқли туртки бериши билан бир қаторда, маъно ҳодисаси ўрганилишига оид баъзи

саволларнинг бошқача қўйилишига сабаб бўлмоқда. Юқорида келтирилган фикрларга биноан, мабодо сўзнинг турли шароитларда турли концептлар билан боғланиши ҳар хил маъно ифодасига олиб келадиган бўлса, тил бирликлари маъноси барқарорлик хусусиятидан холими? Маънодаги барқарорлик йўқолган тақдирда инсонлар бир-бирларини қандай тушунадилар ва таржимон ахборотни бир тилдан иккинчисига кўчиришга нимага асосланади?

Маънодаги ўзгаришлар, унинг ривожланиш босқичларини болалар нутқининг тадқиқи асосида ўрганган рус психологи Л.С.Выготский маънонинг мавжудлигини бошқа маъноларга нисбатан умумийлик муносабатида кўради. Шу сабаб тушунча табиатининг мураккаблиги ҳам тўлиқ кўламда унинг бошқа тушунчалар билан ўзига ҳос равишда боғланишида намоён бўлади. Шунингдек, маъно шаклланишини таъминлашнинг энг юқори босқичида турадиган тушунча ва маънолар муносабати ҳақидаги умумлаштирувчи тасаввурлар алоҳида идрок амалларидан ташкил топмасдан, балки олдинги босқичдаги тассаввурлар, умумлашмалар асосида ҳосил бўлади [Выготский 2008:386-388]. Демак, маънонинг турғун статик эмаслиги ҳақиқат, у ўзгаришлар тафаккурнинг турли кўринишларда кечишида ҳам намоён бўлади. Маънонинг табиати ва моҳиятини умумлаштириш когнитив фаолияти натижасида кўринади ҳамда ушбу фаолият ҳар қандай маъно шаклланишида марказий ўринга чиқади.

Маъно шаклланишининг концептуал асосга эга эканлигини ҳеч қачон инкор этиб бўлмаса керак. Л.Выготский бот-бот таъкидлаган умумлаштириш амали номланаётган предмет-ҳодисаларнинг хусусиятлари обьектив бўлиши ёки ушбу хусусиятларнинг субъектив тасаввур, идрок замирида ажратилишидан қатъи назар маънонинг пойдеворида туради.

Тил бирликларининг кўпчилиги қатор маъно хусусиятларига эга ва улар



ягона бир “тўр”ни хосил қиласди. Хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги бирликнинг умум-қабул қилинган қоидалар асосида қўлланишини таъминлади. Масалан, инглиз тилидаги ring сўзи “давра”, “айлана”, “узук”, “ринг, аrena”, “биргаликда ҳаракат қиласиган кишилар гурухи” каби маъноларни ифодалайди, аммо ушбу маънолар ифодасининг марказида “думалоқ, айлана объект” умумлашган тушунчаси туради. Р.Лангакернинг таъбирича, айнан шу доиралик хусусияти аторофидаги концептуаллашув жараёни кечади [Langacker 2002:3]. Алоҳида маънолар концептуал марказ (*cognitive domain*) билан боғлиқ ҳолда кечади. Жумладан, hypotenuse “гипотенуз” тушунчасининг когнитив марказида right triangle “тўғри учбурчак” тушунчаси турса, elbow “елка” тушунчаси учун марказ—атм “қўл” бўлади. Бу йўсингдаги талқинлар, худди “прототип маъно” ёки “семантик ибтидо”ларни ажратиш ҳаракатидек, қачонлардан буён муҳокама қилиниб келинаётган “умумий ёки асосий маъно” муаммолини қайтадан долзарблаштиради. Ушбу муаммо муаллифнинг бошқа бир ишида батафсил ёритилганлигини эътиборга олиб [Сафаров 2013:108-143], унга оид баъзи хуносаларни қайта тақорлаш билан чекланиб қўя қолмоқчиман. Биринчидан, маъно структурасидаги турли қўзгалишларнинг оқибатида пайдо бўладиган хосила бўлакларнинг манбаларини ва уларнинг муносабатларини билиш назариясининг янги йўналиши бўлган дискурсив-синергетик парадигмаси тамойиллари татбиғида таҳлил қилиш жоиз. Иккинчидан, семантик структуралардаги силжишлар асосан субъектив хусусиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Учинчидан, сўз семантик структураси яхлит (гешталт) кўринишини олиши учун маълум бир семантик ўзакка эга бўлиши керак ва бу ўзак бошқа дериват маънолар шаклланишида етакчилик қилиши мумкин. Аммо “марказ”, “ўзак”, “етакчи” қандайдир ўзгармас, батамом турғун ҳодиса эмас, ўзакда ҳам кўчимлар юзага келиши кузатилган ҳол. Яқинда

Н.Махмудов маъно-мазмунга даҳлдор ўзгаришлар, янгиланишлар, эврилишлар тилдай сирли оламнинг табииятакомилини таъмин этадиган зарурий жараён эканлигини таъкидлаётib, “тилнинг маъно-мазмун жиҳатидан тараққиёти, такомили мутлақо “ўз-ўзидан” бўладиган, тамоман хаос тарзидаги жараён эмаслигини” ва “бу жараёнда тил эгасининг эҳтиёжи, интилишлари, дунёга муносабати ҳал қилувчи роль ўйнашини” ҳамда унинг “когнитив фаолияти бошқарувчилик вазифасини ўташини” алоҳида эслатиб ўтди [Махмудов 2014:16].

Тил эгасининг когнитив фаолияти чексиз бўлгани боис, маъно такомили ҳам тўхтосиз давом этадиган жараён. Бунда бажариладиган умумлаштириш ва конкретлаштириш ҳаракатлари ҳамоҳанг бўлгани каби маъно хусусиятлари умумийлик ва хусусийликнинг диалектик яқдиллигини акс эттиради. Бир пайтлар академик тилшунос В.В. Виноградов томонидан айтилган “сўзнинг барча маънолари асосий номинатив маънога нисбатан ҳосиладир” [Виноградов 1952:12]. Қайдни ҳам диалектиканиң худди шу қонунияти доирасида англамоқ даркор. Зотан, маъно хусусиятларининг асл қиймати уларнинг умумий структурада тутган ўрни билан белгиланади, марказдан узоқлашган сари ушбу қиймат кучизланиб бориши мумкин. Қандайки бўлмасин, матннинг ўқиладиган, англашиладиган бўлиши кўпгина омилларга боғлиқ ва шундайлардан бири тил бирликларининг прототип маъно компонентига эга бўлишидир. Кодларнинг (улар лисоний, бадиий, сиёсий, маданий бўлиши мумкин) турли ҳолатларда тақорланиши натижасида коладиган “из” турли тўпламда зичлашади. Фаранг файласуфи Ж.Деррида матннинг маънодорлигини таъминлаш учун мунтазам структуралар, анъаналар, қоидалар ва кодларнинг мавжудлиги зарурияти доимий равишда таъкидланган эди [Derrida 1992:64]. Файласуф айтиётган умумийлик ёки доимийлик (“мунтазамлик” дейишга сесканиб турибман) батамом турғунликка ишора қилмаса керак ва



бундай чекланишнинг ўз сабаблари бор. Авваламбор, бадиий матнданда ҳар бир сўз шу матн доирасида ўзининг “асл” ёки фарқли маъносига эга, яъни бошқалардан фарқланадиган “ўзлиги”ни топган. Бинобарин, “Ромео ва Жульетта” трагедиясини ўқийлик:

If, rather than to marry County Paris,  
Thou hast the strength of will to slay  
thyself,  
Then is it likely thou wilt undertake  
A thing like death to chide away this  
shame,  
That cop’st with death himself to  
‘scape from it;  
And if you dar’st I’ll give thee  
remedy. (IV, 1.68-76).

Қизиқ, Вильям Шекспир ушбу матнда remedy сўзини қайси маънода қўллаётган экан? Бир нарса аниқ: бу сўз маънога нафақат тил тизимидағи бошқа бирликлар билан алоқаси воситасида, балки турли контекстларда такрорланишига боғлиқ ҳолда эга бўлмоқда. Бундай такрорланиш натижасида remedy сўзининг асосий, ўзак маъноси шаклланган, лекин такрорланишлар бир-биридан фарқ қилиши сабабли ҳар бир вазиятда умумий тизимдаги имкониятларнинг янги қирралари намоён бўлади. Натижада, роҳиб Лоренсо Жульеттага “муаммонинг ечимини”, давосини таклиф қилаётибдими ёки “дори, заҳар”ни топиб беришга ваъда бераётганини англаш сиз билан бизнинг ихтиёrimизда. Балким, бу Жульеттанинг ҳаётдаги айбизуз улуши ва Ромеонинг тақдиридаги захарга ишорадир. Ҳархолда маънодаги муҳимликнинг бу қадар чегаралангандиги унинг бошқа бирор бир контекстда такрорланишини олдиндан фараз қилиш қийинлигидан дарак беради. Оқибатда, таржимон елкасига “оғир юқ” тушади, матн мазмунини янги маданият вакилларига етказиш учун катта ҳажмдаги ақлий меҳнат бажаришга тўғри келади. Хос таржимон, халқ шоири Жамол Камол келтирилган парчани таржима қилаётиб, remedy сўзини қандай ўғирганига эътибор беринг:

Баски, сен Парисга хотин бўлишдан кўра,  
Ўлимни афзал кўрап экансан,  
Ёлғондакам ўлишга ҳам рози бўлгайсан.

Бу бир чорадирким, қабул айласанг уни,  
Ўша манфур никоҳингдан кутқарап сени.

[Шекспир 2008:116].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўрсатилишича, дори сўзи, “дори-дармон”, “даъво” маъноларидан ташқари, “захар” (“Бой атайн дори бериб қўйган эмиш, деб эшидик”) ва “чора, восита” (“Ҳамкасларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз”) каби маънолар ифодасига қодир. Шекспир услугуни саклашга ҳаракат қилаётган Жамол Камолнинг таржимасини ҳам таянч маънога суюнган ҳолда талқин қиласверинг: айёр роҳиб бечора Жульеттага “дори” (захарли) тавсия қилиш билан унинг аянчли аҳволига “даво” топилишига, заҳар ичиш ягона “чора” эканлигига ишонтироқчи.

Маънонинг тафаккур маҳсулоти эканлигини таъкидлашдан ҳоримаган Л.Выготский, маъно тараққиёти ўзгаришининг қандай кечишини изоҳлаётиб, ушбу тараққиётга эволюцион кечим хослигини кўрсатган эди. Ёш бола янги тушунча билан боғлиқ структурани ўзлаштираётиб, олдингиларини батамом унутмасдан, балки уларни қайта шакллантиради, янгисига мослаштиради. Бу эса, тафаккурнинг олдинги фаолияти бекор кетмаслигидан, унинг ҳар бир босқичида тушунчалар янгидан шаклланмаслигидан ва оқибатда ҳар бир алоҳида маъновий структурани қайтадан ташкил қилиш борасида мустақил, “ўз-ўзидан барча ишни бажармаслиги”дан хабар беради [Выготский 2008:391-392].

Семантика фанининг асосчиларидан бўлган Ч.Пирс семиозисни ташкил қилувчи бўлаклар—белги (репрезентамен), обьект ва интерпретантлар муносабатини куйидагича тасвирлайди: лисоний белги ўз объектига эга (яъни маълум бир нарса-ходиса номланади) ва шу белги ўз



адресатига эга (яъни бирор кишига йўналтирилди) ҳамда шу йўсинда унинг онгида бирор бир ғоя, тушунча туғдиради. Ч. Пирс “интерпретант” деб ататган ҳодиса объектни такрорламасдан ёки тамоман қамраб олмасдан, балки шакланаётган тушунча ва белги учун асос (the ground of representamen) хизматини ўтайди [Пирс 2000, т.2.:318-319; Қиёсланг: Сухачёв 2003: 53-54]. Айтилган фикрларга таянадиган бўлсак, янги маънозамзуннинг қандайdir бир “бўшликдан” ёки йўқ жойдан пайдо бўлмаслигига, унинг қиёфа олишида прототип маъно билан бўлган муносабат ўз ўрнига эга эканлигига яна бир бора ишонмоғимиз даркор. Шу сабаб бўлса керак-ки, луғат-таржимоннинг доимий ҳамроҳи. Луғат табиатан ўзига хос лингвистик музейни эслатса-да, лекин унинг экспонатлари қандайdir “алмисоқдан қолган нарсалар” бўла олмайди, чунки музей экспозицияси тартиботни, узлуксиз янгиланишни, қайта изохлашни ёқтиради. Аммо музейдаги экспонатни ҳар бир тамошабин ўзича қабул қилиши, идрок этиши ва тавсифлаши мумкин бўлганидек, тил бирлигининг алоҳида қўлланишларидаги маъносининг тавсиф-изоҳи ҳам ўқувчи-коммуникантларнинг идрокига боғлик.

Маъно ҳодисаси гуманитар фанларнинг афсунланган нуткасига айланди ва бу “дарди бедаво”дан қутулишнинг йўлини излаш давом этмоқда. Руҳшунослар ва уларга эргашган психолингвистлар энг самарали йўллардан бирини фаоллик назарияси татбиқида кўрмокдалар. Инсон нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларини ўз фаолияти доирасида идрок этади, уларнинг моҳиятини, бошқача айтилганида, маъносини англаб етади. Бундан ташқари, маънонинг жараён сифатидаги талқини ҳам ботиний ҳодиса кўринишида бажарилаётган фаолият муҳитида шаклланади. Тил бирликлари семантикаси улар восита сифатида қўлланилаётган фаолиятнинг қандай йўналиш олиши билан боғлик ва маъно фаолиятнинг “ўзгартирилган шакли”дир. “Маънонинг психологик структураси,—деб ёзган эди А.А. Леонтьев,— дастлабки

ўринда, сўзларнинг нуткий фаолият жараёнида ўзаро муносабатларида намоён бўладиган фарқловчи белгилари тизимиdir. Бу тизим қандайdir мавхум лисоний тузилма кўринишида қаралмасдан, балки мулоқот динамикасида, сўзнинг руҳий ва ижтимоий шартланишида қаралиши керак” [Леонтьев 1971:11]. Психолингвист Алексей Алексеевич Леонтьевнинг падари бўлмиш психолог А.Н.Леонтьев эса, “семантик структурада психологик маъно ва шахс мазмуни” (личностный смысл) фарқланиши тарафдори. Ота-Леонтьевнинг таъбирича, психологик маъно борлиқнинг, индивидуал муносабатдан ҳоли ҳолда, объектив боғланишлар, алоқалар кўламида акс топишиdir. Шахс мазмуни эса, аксинча, алоҳида шахснинг индивидуал фаолияти тизимида ҳосил бўлади ва шунга нисбатан унга субъектив хусусият ҳосдир. А.Н.Леонтьев психологик маънонинг фарқли жиҳатини “борлиқнинг ҳеч қандай индивидуал идроксиз, шахс билан боғлиқ бўлмаган ҳолда акс топишида” кўрса, шахс маъносини эса инсоннинг индивидуал фаолияти тизимида ҳосил бўладиган, “субъектнинг оламга нисбатан шахсий муносабати рамзи” сифатида тавсифлайди [Леонтьев А.Н. 1975:147;299]. Назаримда, руҳшунос олимнинг қайдлари ажратилган турдаги семантик ҳодисаларнинг муносабатини етарли даражада ёритаётгани йўқдек. Биринчидан, шахс мазмунини бу қадар психологик маънога қарши қўйиб, уни маълум жамоанинг тарихий-маданий тажрибаси, унинг воситасида юзага келадиган дунёқарашидан йироқ қўйиш ва қандайdir “индивидсиз”, “норуҳий” ҳодиса кўринишида талқин қилиш ҳақиқатга мос келмайди. Иккинчидан, ушбу турдаги мазмуннинг субъективлиги, биртарафлигига интеллектуал фаолият жараёнидан руҳий мундарижага эга бўлган қатор ҳолатларни сиқиб чиқаришга олиб келади. Ҳолбуки, ассоциатив боғланиш, образли тасаввур, ҳиссиёт каби ҳолатлар, биринчи навбатда, шахснинг воқеликка субъектив муносабатини акс эттиради. Ушбу хусусиятларнинг, шунингдек,



ассоциатив фикрлашнинг оламни “шоирона” идрок этишда ва уни тилда образли баён этишда қанчалик муҳим эканлиги назарий тишлишносликнинг дарғалари сафига интилаётган Дурдона Лутфуллаеванинг яқинда нашрдан чиққан монографиясида моҳирона исботлаб берилди [Лутфуллаева 2017: 64-79].

Айтиш жоизки, ассоциатив фикрлаш нафақат ижодкорлар, балки ҳар бир инсонга хосдир. Сўзсиз, ижодкорнинг фикрлаш қобилияти бошқаларни кидан фарқ қиласи ва бу фарқ тиллар, маданиятлар қиёсида янада яққолроқ кўзга ташланади. Оламнинг идроки яшайдиган муҳит, инсоният тараққиёти давомида тўпланадиган қадриятлар, жамланган билим каби кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлганидан сўнг идрок ва лисоний воқеланишдаги турфалиқдан қочиб бўлармикан? Сиз билан бизнинг вазифамиз (мақсадимиз ҳам) маъно-мазмунни шакллантирувчи омилларни, адабиётшунос Тревер Итон тасаввур қилаётганидек, қандайdir бир тартиботсиз қурама-агломерат кўринишида тасвиrlашдан қочишидир. Кўрама ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг бўлакларининг жойлашуви, бажарадиган вазифалари, ўзаро бирикуви табиат назоратида,

конуниятлар қамровида эканлиги фанда ўз исботини топган. Яхшиси, Т.Итоннинг “Миямиздаги семантик фильтрлар гўдакнинг илк йифисидан бошлаб катталарнинг ўлим олдиаги фарёдига қадар инсонлигимизни шакллантирувчи кучдир ва онгимизни бошқариб борадиган доимий лисоний қистовдир” [Eaton 2010:3], деган қайдига эргашиб кўя қолайлик. Инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлган маъно ўз пойдеворига, лозим бўлса-қўрғонига эга бўлиши – оддий ва шу пайтнинг ўзида конуний талаб. Лингвистик фалсафа оқими вакиллари маъно-мазмун ифодасида обьектнинг онтологик хусусиятларини четга суриб кўйиб, уни тамоман субъектнинг идроки, лисоний тузилмаларнинг контекстда кўлланишига боғламоқдалар [масалан, қаранг: Селиверстова 2001:295]. Бу даъвонинг мағзидা ҳам бир ҳақиқат мавжуддек: нутқда узатилаётган ахборотнинг қадр-қиймати кўп жиҳатдан уни қабул қилувчининг тушуниш қобилияти билан боғлиқ. Лекин, айни пайтнинг ўзида лисоний тузилма шу контекстга мослашадиган бирор бир нарсага эга бўлиши керак-ку. Акс ҳолда, ахборотнинг моҳияти йўқолиб, маънени ҳар ким ўз чилдирмасига ўйнатиб қўйиши ҳеч гап эмас.

#### Адабиётлар:

1. Baker M. In Other Words: a Coursebook on Translation. – London: Routledge, 1992.
2. Blackburn S. Oxford Dictionary of Philosophy. – Oxford and New York: Oxford University Press, 1996.
3. Butaev Sh. English-Uzbek and Uzbek-English Dictionary. – Toshkent: O'qituvchi, 2015.
4. Delisle J. Translation Approach. - Ottawa, London: University of Ottawa press, 1988.
5. Derrida J. “This Strange Institution Called Literature”: An Interview with Jacques Derrida. In: Attridge D. Jacques Derrida: Acts of Literature. – New York and London: Routledge, 1992.
6. Eaton T. Leterary Semantics. – Cambridge: Melrose Books, 2010.
7. Fodor J.D. Concepts. Where Cognitive Science Went Wrong. – Oxford: Clarendon Press, 1998.
8. Fodor J.D. The Language of Thought. –Hassocks: Harvester Press, 1976.
9. Frege G. On Sense and Reference. In: M.Black and P. Geach (eds). Translations from the Philosophical Writings of Gottlob Frege. – Oxford: Basil Blackwell, 1952.
10. Frege G. Über Sinn und Bedeutung // Zeitschrift für Philosophie und Philosophische Kritik, 1892. B. 100.- S. 25-50.
11. Höning H. Positions, power and practice: Functional approaches and translation quality assessment // Translation and Quality. –Clevedon, 1998.-P.6-35.



12. Ingarden R. Das Literarische Kunstwerk. – Tübingen: Niemeyer, 1931/ 1972.
13. Jackendoff R. Foundations of Language. – Oxford: Oxford University Press, 2002.
14. Jackendoff R. Languages of the Mind. Essays on Mental Representation. – Cambridge, Mass.: The MIT Press, 1996.
15. Jacques Derrida: Acts of Literature. – New York and London: Routledge, 1992.
16. Langacker R. Concept, Image, and Symbol. The cognitive Basis of Grammar. – Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 2002.
17. Langacker R. Grammar and Conceptualization. – Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 1999.
18. Langacker R.W. Foundations of a Cognitive Grammar. Vol. 1. – Stanford: Stanford University Press, 1987.
19. Larson M.L. Meaning – based Translation. A Guide to Cross – Language Equivalence. – New York and Oxford: University Press of America, 1998.
20. Neubert A. and Shreve G.M. Translation as Text. – L.: Kent State University Press, 1992.
21. Nida E. and Taber Ch. The Theory and Practice of Translation. Leiden: Brill, 1969.
22. Nida E.A. Componential Analysis of Meaning. An Introduction to Semantic Structure. The Hague: Mouton, 1974.
23. Nida E.A. Language and Culture. Contexts in Translating. – Shanghai Foreign Language Education Press, 2014.
24. Nida E.A. Language, Culture and Translating. – Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press, 1993.
25. Nida. E.A. Translating Meaning. – San Dimes, CA: English Language Institute, 1982.
26. Nord Ch. Translating as a Purposeful activity: Functional Approaches Explained. – Manchester: Jerom Publishing, 1997.
27. Scewmaker E.F. Shakespeare's Language. A Glossary of unfamiliar words in his plays and poems. – New York, 2008.
28. Schäffner C. From good to functionally appropriate: assessing translation quality // Translation and Quality. – Clevedon, 1998. – P.1-5.
29. Vermeer H.J. Ein Rahmen für eine allgemeine translationstheorie // Lebende Sprachen, 1978. 23 (1). – S. 99-102.
30. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова //Вопросы языкоznания. 1953. №5.-С. 3-29.
31. Вохидов Эркин. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
32. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Хранитель, 2008.
33. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство, 1991.
34. Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкоznанию – М.: Прогресс, 1984.
35. Гуссерль Э. Логические исследования. Картезианские размышления. – Минск, 2000.
36. Европейская поэтика от античности до эпохи Просвещения. Энциклопедический путеводитель. - М.: Intrada, 2010.
37. Карасик В.И. Языковая кристализация смасла. – Волгоград: Парадигма, 2010.
38. Карим Баҳодир, Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: Академнашр, 2014.
39. Кобрина Н.А. Проблемы представления (репрезентации) в языке. Типы и форматы знаний. Москва-Калуга: Эйдос, 2007.
40. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – м.: ЭТС, 1990.
41. Комиссаров В.Н. Теория перевода. – М.: Высшая школа, 1990.
42. Қозоқбай Йўлдош. Нозиклашув жараёни//Ёшлик. 2014. 10-сон. – Б.34-37.
43. Леонтьев А.А. Психологическая структура значения // Семантическая структура слова. – М.: Наука, 1971.
44. Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. – М.: Политиздат, 1975.



45. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Т.:MERYIS, 2017.
46. Михайлов В.А. Смысл и значение в системе речимыслительной деятельности. – СПБ.,1992.
47. Нурмонов А.Сўз мулкига сайд//Шарқ ўлдузи, 2014. 6-сон. – Б. 133-140.
48. Пиаже Ж. Психогенезис знаний и его эпистемологическое знание//Семиотика. – М.: Прогресс, 1983.-С. 90-102.
49. Пиаже Ж.Речь и мышление ребенка. – М.: Педагогика-Пресс, 1994.
50. Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков. –СПБ., 2000.
51. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1976.
52. Саломов F. Таржима назариясига кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1978.
53. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013.
- Махмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. 3-сон. – Б. 16-24.
54. Селиверстова О.Н. «Когнитивная» и «концептуальная» лингвистика: их соотношение // Язык и культура. Факты и ценности. – М.: Языки славянской культуры, 2001.
55. Соболева Н.В. Английская абсурдная поэзия: проблемы поэтики и перевода (На примере творчества Э.Лира). Дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008.
56. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики.-М.: УРСС, 2004.
57. Сухачёв Н.Л. Концепция языка в европейской философии (очерки о Г.В.Ф.Гегеле, Ч.С.Пирсе, М.Хайдегерре//Acta Linguistica Petropolitana.Т.3.Ч.2.– Санкт-Петербург, 2009.
58. Сухачев Н.Л. О семантике Ч.С. Пирса. Тройственный знак в универсуме презентаций. – СПБ.: Наука, 2003.
59. Фрега Г. Логика и логическая семантика. – М., 2000.
60. Холина Д.А. Григорий Кружков – переводчик – исследователь: о поэзии нонсенса, пропавшей рукописи Н. Гумелева//История переводов: мастер и мастерство. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 2011.-С.64-87.
61. Хромихин А.Д. Концепты в международных отношениях// Лексикология и Фразеология (Романо-германский цикл). – Санкт-Петербург, 2012. – С.78-83.
62. Худойберганова Д, Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли лугати. – Т.:Turon zamin ziyo, 2016.
63. Шекспир В. Сайланма (Жамол Камол таржимаси) I-III жиллар.-Т.:Фан, 2008.

**Сафаров Ш. Значение и проблема перевода.** В статье рассматриваются вопросы, касающиеся соотношения явлении значения и проблемы перевода. Основное внимание уделено определению референтного значения языковых высказываний и презентацию этого значения в текстовом пространстве.

**Safarova Sh. Meaning and problems of translation.** The article is a sample of investigation of interaction between the phenomenon of meaning and problems, concerning translation activity. The author tries to present detailed analysis of the semantic features of literary texts and peculiarities of their interpretation.

---

---